

Аллоҳ шерикларнинг ширкидан беҳожатидир! | Сийрат дарслари (244-дарс)



19:00 / 26.08.2023 1983

266. Абу Саъд ибн Абу Фазола розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитдим: **«Келишига шубҳа бўлмаган кун - қиёмат куни Аллоҳ одамларни жамлаганда нидо қилувчи: «Ким Аллоҳ учун қилган амалига бирортани шерик қилган бўлса, савобини Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан талаб қилсин! Албатта, Аллоҳ шерикларнинг ширкидан беҳожатидир!»** деб нидо қилади».

Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

267. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ таборака ва таоло: «Мен шерикларнинг ширкидан беҳожатиман. Ким қилган амалида Мендан бошқани Менга шерик қилса, уни ҳам, ширкини ҳам тарк қиламан»**, деди».

Муслим ривоят қилган.

268. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аҳли китоб Тавротни ибронийча ўқиб, мусулмонларга тафсирни арабчада қилишарди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аҳли китобларни тасдиқ ҳам қилманг, ёлғончи ҳам қилманг ва **«Аллоҳга ва бизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик»**, денглар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.